

Ўзбекистон Санъатшунослик Мактаби Асосчиси

Иброҳим Абдурахмонов¹

Аннотация: Мақолада ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини тизимли илмий ўрганишда ўз мактабини яратган атоқли олим, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин инсон, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фанлар академияси ва Ўзбекистон бадий академияси академиги Акбар Абдуллаевич Ҳақимовнинг илмий мероси ҳақида қисқача маълумот берилди.

Калит сўзлар: санъатшунослик, тасвирий санъат, амалий санъат, илмий мерос, илмий мактаб, монография, тизимли таҳлил.

Санъатшунослик илмининг атоқли олими, ЎзФА ва ЎзБА академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Акбар Абдуллаевич Ҳақимов номи нафақат юртимиз, балки хорижий давлатлар илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта эҳтиром билан тилга олинади. Устознинг Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини тизимли тадқиқ этиш масалаларига бағишланган ярим асрлик илмий мероси ниҳоятда серқирра ва сермазмун бўлиб, ҳар бир тадқиқотида оламшумул кашфиётлар мужассам. Ватанимиз санъати тарихи, назарияси, бадий таълим тизими, замонавий бадий жараёнлар, рассомлар ижодий қиёфаларини ёритишга бағишланган илмий ишлари, китоб, альбом ва каталоглари Ўзбекистон санъатшунослик фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Академик А.Ҳақимовнинг Марказий Осиё санъатини тадқиқ этишга бағишланган 600 дан ортиқ илмий ишлари ва 40 га яқин монографияларининг ҳар бири ўзича бир олам. Муаллиф биринчилардан бўлиб “ислом ва санъат” мавзусини чуқур ва жиддий тадқиқ этиш ишларини бошлаб берди. Олимнинг бу борадаги қарашлари илмий жамоатчиликнинг катта қизиқишларига сабаб бўлди. Тўғри, ислом ва санъат масалалари ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва мавзу юзасидан айрим тадқиқотлар бажарилган[1.С.142-156], бўлса-да, олим мавзунинг ўрганиладиган қирралари ниҳоятда кенг эканлигини ҳал томонлама асослаб берган.

Устознинг дастлабки йирик илмий кашфиётлари яратилиши XX асрнинг етмишинчи йилларига тўғри келади. “Ўрта Осиё халқларининг IX-XIII асрлар бадий маданияти” тарихи ва бадий анъаналарини ўрганишга бағишланган йирик тўпламдан ўрин олган “Амалий санъат нақшларида тасвирий образлар ва мавзулар” номли ихчамгина илмий иши устозни чин маънода катта йўлга олиб чиққанди[2.Б.4-13]. Айни пайтда биз каби шогирдлари учун мазкур кашфиёт ўзига ҳос илмий-назарий асос вазифасини ўтамоқда. Китобни ҳар гал варақлаганимда унинг янги қирраларини кашф этаман, ўқиган сари ўқигинг келаверади...

А.А.Ҳақимовнинг докторлик диссертацияси Марказий Осиё республикалари амалий безак санъатидаги турғун анъаналар ва ҳудуд бадий жараёнларининг ўзига ҳослиги масалалари тадқиқ этилган муҳим илмий манба сифатида қадридир[4.Б.26]. Унда олим кандакорликни бадий маданият феномени сифатида таҳлил этиб, Ўзбекистон амалий санъатида тарихан шаклланган тасвирий образлар тизими ва уларнинг асосий турларини алоҳида илмий далиллаган[5.Б.6-28].

Устознинг Т.А.Абдуллаев, Д.А.Фахретдиновалар билан ҳамкорликда тайёрланган йирик рангли альбом-монографияси Ўзбекистон кандакорлиги ва заргарлик санъати анъаналарини ўрганиш баробарида моҳир усталар томонидан яратилган безаклар ва уларнинг маҳаллий ўзига ҳос



хусусиятлари атрофлича таҳлил қилиниб, соҳанинг келажак истиқболларини аниқ кўрсатиб берилганлиги олимнинг кенг мушоҳадали юксак бадиий тафаккур соҳиби эканлигини асослайди.

Олимнинг илмий меросида маҳаллий кулолчилик санъатининг бадиий-эстетик моҳияти ва технологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, Фарғона водийсининг ўзига ҳос зангори кулолчилиги анъаналари, ишлатилган бадиий ашёлар ва уларнинг технологиялари, маҳаллий усталар ижоди, сопол буюмлар ташқи ва ички бадиий безагидаги тасвирларнинг семантикаси, фалсафий моҳияти ҳар томонлама чуқур ва жиддий тадқиқ қилинган. Айниқса, рамзий безаклардаги “чорбарг” “юлдузгул”, “ўрдак афтоба”, “пар пашша”, “корд-пичоқ”, “чаён”, “чашм”, “чашми гов”, “балиқ”, “инсон юзи” ва бошқа безакларда қисм бутунликнинг ифодаси тамойилига амал қилинганлиги ҳар томонлама илмий асослаб берилган. Аммо Ўзбекистон санъати тарихини қадимги замонлардан то ҳозирга қадар бўлган ривожланиш босқичларини яхлит ҳолда ўрганилиши ватанимиз санъатшунослик илмида катта воқелиқдир[3.Б.120].

Мустақиллик йилларида IX-XV асрлар Марказий Осиё ва Азарбойжон бадиий маданиятини тадқиқ этишга бағишланган ҳалқаро йирик лойиҳа ҳам айнан устознинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилди. Мазкур лойиҳа натижалари асосида уч жилддан иборат йирик монография дунё юзини кўрди. Китобнинг биринчиси кулолчилик, иккинчиси кандакорлик, учинчиси, бадиий шишасозлик санъати муаммоларини ўрганишга бағишланган.

Профессорнинг деярли барча тадқиқотларида ватанимиз санъати тарихининг у ёки бу масалаларига оид илмий муаммоларга ечим изланган[6.Б.503]. Ўзбекистон амалий санъатидаги анъаналар ва янгиликлар, уларнинг ўзига хосликларини ҳар томонлама жиддий ва чуқур тадқиқ этган илмий ишлари биз шогирдлари учун ўзига ҳос дастур вазифасини ўтаб келмоқда[7.Б.194].

Академик А.Ҳақимовни ниҳоятда серқирра олим дедим. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Устознинг илмий меросига назар ташлар эканмиз унда мавзуларнинг йўналишлари шу қадар кенги, уларнинг ҳар бирини битта мақолада алоҳида таърифлаш ва баҳо беришнинг имкони йўқ. Устознинг айниқса, турли вилоятлардаги маҳаллий каштадўзлик санъати анъаналари, бадиий хусусиятлари, қўлланилган рамзий безакларнинг композицион қурилмасини ўрганиш борасидаги илмий қарашлари бу йўналишдаги янги илмий тадқиқотлар учун имкониятлар эшигининг очилишига турки бўлди. Шогирдлари - Э.Гюль, С.Алиева ва З.Насировалар билан ҳамкорликда Бойсун ва унинг атрофларидаги қишлоқлар амалий санъатини ўрганишда кенг қўламли илмий изланишларни амалга оширганлига гувоҳ бўлганман. Натижада Бойсун кашталарида геометрик нақшлар билан бирга қуш ва ҳайвонлар тасвири ҳам асосий мавзулардан бирига айланганлиги аниқланди. Илмий манбаларда ҳалигача тилга олинмаган чиройли кийик қучоқлаб ўтирган қора сочли, оппоқ юзли гўзал қизнинг сўзаналарда кашталанган тасвири тикилганлиги кашф этилди. Айрим ҳолларда қўш кийик ва уларни қучоқлаган қизлар бутун хошия узунаси бўйлаб симметрик тарзда жойлаштирилган ва матодаги ўсимликсимон нақшга уйғунлашиб кетганлиги ҳар томонлама далилланди.

А.Ҳақимовнинг яна бир қирраси ватанимиз музейлари фондида сақланаётган ноёб коллекцияларни янги давр нуқтаи-назардан ўрганиш билан боғлиқ. Ўзбекистон давлат Санъат музейидаги амалий санъат бўлими коллекцияси асосида яратган илмий монографияси бу борадаги ташланган муҳим қадамлардан биридир. Унда имкон қадар кўпроқ янги маълумотлар беришга интилиши кузатилади. Монографияда эътибордан четда қолган қушлар тасвирига эътибор қаратилиши бежиз эмас. Зеро, қушлар азалдан ёвуз қучлардан ҳимоя қилиш билан бирга, эзгулик келтирувчи, фаравонлик бахш этиб, ёмонликларни даф этувчи қудратга эгаллиги, уларнинг тимсолида халқимиз ўзларининг турли эзгу ниятларини ифодалашганлиги манбалардан маълум. Олим мисқоллаб йиғиб ўрганган каштадўзлик ва кулолчилик намуналарида айнан шундай ноёб тасвирларнинг фалсафий моҳиятига эътибор қаратган[7.Б.194]. Музейда сақланаётган ва ёш болалар учун мўлжалланган турли кўринишдаги афсонавий жонзодларга тақлидан ишланган сопол ўйинчоқлар алоҳида бир туркумни ташкил этади. Уларнинг барчаси ҳикоя тарзидаги халқ оғзаки ижодига мансуб образлардир.



Чўпчакларга асосланувчи эртақлар қахрамонларини янада бўрттириб тасвирланган мазкур сопол ўйинчоқлар гарчи, примитив кўринишда ишланган бўлсада, маҳаллий ўзига ҳосликни сақлашда жудаям муҳим. Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Ўба қишлоғида (Х.Раҳимова) ясалган хуштакларда афсанавий жонзотлар, турли ҳайвонлар- От (баъзан от минган чавандоз), кўчқор, шер боласи, товуқ, попишак, чўл чумчуғи кўринишидаги сопол ўйинчоқлар, хуштакчаларнинг безатилиши болажонлар руҳий оламига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Унда қуш, ўрдак, кўчқор, ҳўкиз, туя, эчки, от, фил, сигир образини гавдалантирганлигини алоҳида тимзимли тарзда туркумларга ажратиб, илмий умумлаштирилган.

Олимнинг узоқ йиллик илмий изланишлари самараси сифатида дунё юзини кўрган “Ўзбекистон санъати тарихи (қадимги давр, ўрта асрлар, ҳозирги замон)” номли ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган илмий монографияси санъат тарихини ўрганишда ташланган улкан қадамлардан бири бўлди. Мазкур бебаҳо хазинасида ватанимиз санъатининг пайдо бўлиш илдизлари, теран томирлари билан бирга ривожланиш босқичларида аниқлаб берилган. Тарихий жараёнларда шаклланган бадиий услублар, тасвирий воситалар ва бадиий анъаналар атрофлича мантиқ ипига тизилган. Ҳозирги кунда бўлаётган ўзгаришлар, санъат турларида жорий этилаётган инновациялар, тасвирий ва амалий санъат, миниатюра, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик соҳалар тараққиётига оид кўплаб илмий манбалар ва артефактлар жамланиб, янги давр нуқтаи назаридан асосланган[8.Б.528]. Мазкур нашр сифати, кўйилган масалаларга аниқ ечим топилганлиги ва аксарият материалларнинг илк бор таҳлил қилинганлиги билан ўзбек санъатининг ҳалқаро майдондаги довуғини ошириши шубҳасиз.

Устозимиз ҳалқаро майдонда эътироф этилган йирик олим. Токиодаги Сока университетининг фахрий доктори сифатида эътироф этилган. Илмий кашфиётлари Туркия, Россия, Азарбойжон, Франция, Буюк Британия, Германия, Швецария, Швеция, Ҳиндистон, Иордания, Ақш, Австралия ва бошқа турли мамлакатларда нашр этилган. Йиirmaдан ортиқ илмий монографиялари хорижий илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган.

Олимнинг яна бир қирраси бевосита педагогик фаолияти билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти “Санъат тарихи ва назарияси” кафедрасида бўлажак санъатшуносларнинг сеvimли устози сифатида бадиий танқид сирларидан сабоқ бериб келади. Ўзбекистон тасвирий санъатидаги ижодий жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилишда ўз фикрини баён этишга қаратилган “Эго” лойиҳаси талабалар ўртасида чинаккамида илмий лабаратория сифатида шаклланиб, ўзининг дастлабки мевасини бериб келаётганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ. Шогирдлари санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа докторлари (Phd) З.Насирова, З.Асқарова, Х.Ҳайитбобоева, Б.Ҳаджиметов, Б.Дадамухамедовлар ўзларининг дастлабки қадамларини айнан шу лойиҳадан бошланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Академик А.Ҳакимов айни пайтда Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Санъатшунослик институтида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш раиси сифатида фаолият юритиб келади. Устознинг бевосита маслаҳатлари ва раҳбарлиги остида 25 нафар фан номзоди, 4 нафар фан доктори диссертацияси ҳимоя қилинганлиги ҳам олимнинг юксак даражадаги илмий салоҳиятидан далолатдир.

Юқоридагилардан хулоса шуки, Ўзбекистон санъатшунослик фанининг етук вакили, отамдай улуғ инсон А.Ҳакимов илмий мероси алоҳида ўрганишга молик. Олим ҳамкасблари, маҳаллий усталар, рассомлар ва санъатшунос шогирдларига тўғри ҳамда самарали илмий йўналиш бераётганлиги билан катта хурмат-эътиборга эга. Ватанимизда тасвирий ва амалий санъат соҳаларидаги барча тадқиқотлар бевосита устознинг маслаҳатлари ёки раҳбарлигида амалга оширилиб келинмоқда. Камина диссертация мавзусини танлашим ва унинг илмий концепциясини шакллантиришда устознинг асосли маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этганини айтишни ҳоҳлардим. Ўз қарашларимни мустаҳкамлашимда устознинг илмий меросига бот-бот мурожаат қиламан. Тарихий таъмирлаш илмий услубида мавжуд манбаларни текширар эканман, А.Ҳакимовнинг санъатшунослик фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлигига



амин бўламан. Олимнинг салмоғи жихатдан том-том китобларга сигмайдиган илмий мероси кун сайин янада долзарблашиб бормоқда. Уларнинг ҳар бир тадқиқоти ўзбек бадиий маданиятининг халқаро нуфузини оширишга, умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мана шундай кутлуғ кунда ўзбек санъатшунослик фанининг забардаст олими, меҳридарё устоз, барчамизнинг энг яқин маслаҳатчимизни 75 ёшга тўлиши муносабати билан кутлаб, мустаҳкам соғлиқ, метин ирода тилайман. Бундай кейинги илмий фаолиятига барака, мустаҳкам соғлиқ тилаш бахтига муяссар бўлиш биз шогирдлари учун катта шараф.

Манбалар:

1. Большаков О.Г. Ислам и изобразительное искусство. –//Труды государственного Эрмитажа. Культура и искусство народов востока. Т -7. Ленинград.: Советский художник.,1969. – С.142-156.
2. Ремпель Л.И. Художественная культура Средней Азии IX-нач. XIII вв. и проблема «мусульманского искусства». –//в книге Художественная культура Средней Азии IX-нач. XIII вв. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма.,1983. –С.4-13.
3. Ҳақимов А.А. Голубая керамика Ферганы. –Москва: Галаарт, 2015. –С.120
4. Ҳақимов А.А. Современное декоративное искусство республик Средней Азии (Исследование проблемы преемственности традиций и особенностей художественного процесса в регионе). –//Автореферат диссертации в виде научного доклада на соискание ученой степени доктора искусствоведения по специальности 17.00. 04–Изобразительное и декоративно-прикладное искусство. – Ташкент: 1993.
5. Ҳақимов А.А. Торевтика как феномен художественной культуры. –//Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX-XV веков. Том II. Самарканд-Ташкент.,2012. –С.6-28.
6. Ҳақимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. –Ташкент: издательство журнала San'at, 2010. –С.503.
7. Ҳақимов А.А. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации. – Т.:ЮНЕСКО.,2013. –С.193.
8. Ҳақимов А.А. Файзиева В. Ўзбекистон давлат санъат музейи хазинасидан. Ўзбекистон амалий санъати. –Т.:Baktria press.,2014. –Б.236.
9. Ҳақимов А.А. Ўзбекистон санъати тарихи: қадимги давр, ўрта асрлар, ҳозирги замон. – Тошкент: Зилол булоқ, 2022. –528 б.
10. Abdurahmonov I.R Concept of muthologi represented in fine arts of Uzbekistan -//Azian Journal of multidimensional Research (AJMR) Inpact Factor: Sjif 2020=6.882. Voll 9, Issue 10, October, 2020. P.143-147.
11. Abdurakhmonov I.R. Reflection of Folklore in Applied Art of Uzbekistan (From the Begining of the XX Century To The days). 2021/2/27. The American Journal of Social Science and Education Innovations. P.166-171.
12. Abdurahmanov I.R. Category of Mythological Images in the Painting of the Independence Period. Natural Volatiles and Essential Oils (NVEO). ISSN: 2148-9637. Dec 16, 2021. Article ID: NVEO-2021- 170. 8(4): P/ 15516-15522. (Skopus). 12. Abdurahmanov I.R. He Interpretation Of Images On Dualism, Totemisv, Animism And Fetishism. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN-2689-100X). Impact Factor. 2021.5.857.P.75-81.
13. F Abduvohidov THE ISSUE OF CREATING A REPERTOIRE IN THE THEATERS OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA REGIONAL MUSICAL DRAMA THEATER). Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 9 (12), 572-575



14. F Abduvohidov. New trends in the staging of historical works (On the example of Surkhandarya regional musical drama theater). *Journal of Pedagogical Inventions and Practices* 3, 79-82
15. F ABDUVOHIDOV. New Discoveries in Directory (On the example of creative activity of Surkhandarya theater) *Texas Journal of Multidisciplinary Studies* 3, 158-165

